O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 20 YANVAR ◆ SHANBA ◆ № 10 (26.712)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

**Мустақиллик халқимизнинг XX аср сўнггида қўлга киритган улкан тарихий ғалабаси эканини, ўн йиллик мустақил тараққиёт ҳаётимизда алоҳида босқич, янги бир давр бўлиб қолишини назарда тутиб, кутлуғ анъанага айланиб қолган энг улуғ, энг азиз байрамимиз — истиқлол айёмини кенг нишонлаш юртдошларимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий тафаккурини юксалтиришда, олдимизда турган буюк мақсадлар сари сафарбар қилишда беқиёс аҳамият касб этишини, истиқбол режаларини ана шу ҳақиқатни чуқур англаш асосида белгилаш заруратини инобатга олиб,**

**Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика комиссияси таркиби тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 10 йиллигини кенг нишонлаш бўйича дастур тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик, идора, уюшма ва жамғармалар мазкур дастур асосида тегишли маънавий-маданий, маърифий тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва ўн кун муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ўзбек миллий давлатчилиги тарихини, унинг тараққиёт босқичлари ҳамда илмий-назарий масалаларини ўрганиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш бўйича махсус ишчи гуруҳи таркиби тасдиқлансин.

Қуйидагилар ишчи гуруҳининг асосий вазифаси этиб белгилансин:

— миллий давлатчилигимизнинг кўпминг йиллик тарихини, мустақиллик йилларида унинг негизида тикланган замонавий ўзбек давлатчилигининг ўзига хос тараққиёт тамойиллари, жамиятимизнинг пировард мақсадларини илмий-назарий жиҳатдан асослаб бериш, буюк аждодларимизнинг дунё илм-фани ва маданияти ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини, улар яратган фалсафий таълимотларни ўрганиш ва зарур хулоса ва сабоқлар чиқариш;

— мустақиллик ўз-ўзидан келмаганини, озодлик йўлида ота-боболаримиз асрлар давомида кураш олиб борганини миллий истиқлол ғояси асосида фуқароларимиз, айниқса, ёшларимиз онгига сингдириш;

— ёшлар қалбида буюк аждодларимиз томонидан яратилган бой илмий-маданий меросга ворислик ва ифтихор туйғуларини уйғотиш, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлигига эришиш, жамиятимизда турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик, тотувлик, диний бағрикенглик муҳитини қарор топтириш борасидаги амалий ишлар мазмунини кенг таҳлил этиш;

— истиқлол шарофати билан халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти том маънода юзага чиққанини, халқ хўжалигининг барча соҳаларида салмоқли ютуқларга эришилганини, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида амалга оширилаётган улкан ишлар Ватанимизнинг дунё ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилишини чуқур асослаб бериш.

5. Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси, «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎзА), «Жаҳон» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мустақилликнинг 10 йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ва мунтазам равишда ёритиб бориш тавсия этилсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ. Кароматов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 19 январь

## СОЛИҚЧИЛАР ВА БОЖХОНАЧИЛАР АКАДЕМИЯСИ

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига ва Давлат солиқ ҳамда божхона қўмиталари ўқув марказлари қошида узлуксиз равишда мутахассислар етиштириш ишига мувофиқ равишда солиқ ва божхона органлари Академияси ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан бу Академия ҳарбийлаштирилган олий таълим муассасаси ҳисобланади.

Академияга тўрт йиллик дастур асосида бакалаврлар тайёрловчи коллежлар битирувчилари, шунингдек, олий ўқув юртларини тугатганлар қисқартирилган бир йиллик дастур асосида қайта тайёрлаш учун қабул қилинадилар. Бундан ташқари, солиқ ва божхона ходимлари учун Академия қошида уч ойлик малака ошириш курслари ташкил этилади. Академияда ўқиш муддати солиқ ва божхона органларидаги хизмат стажи, Ўзбекистон қуролли кучлари сафида хизмат қилмаганлар учун ҳарбий хизмат муддати сифатида ҳисобга ўтади.

Солиқ ва божхона ходимлари тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича Академиядаги ўқишнинг бошланишини юқоридаги қўмиталар олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2001 йил 1 сентябрдан таъминлашлари лозим. Ўшанга қадар улар ўқув режаларини, дастур ва ўқув-методик ҳужжатларни тайёрлашлари ҳамда тасдиқлашлари, Академиядаги ўқув жараёнининг ўзига хослигини инобатга олган ҳолда ўқитувчи кадрларни танлов асосида йиғиш тартибини ишлаб чиқишлари, янги ўқув юртининг профессор-ўқитувчиларини жамлашлари зарур.

Академия битирувчиларига белгиланган намунадаги диплом, божхона хизмати лейтенанти ёки учинчи даражали солиқ хизмати инспектори каби махсус унвонлар берилади.

■ **«ТУРКИСТОН-ПРЕСС»**

ХДП ХАБАРИ

## РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Юракдан, қалбдан ўтказилган суҳбатлар, суҳбатдошлар атрофида юз бераётган муаммоларга барҳам беради, мавжуд чигалликларни ечиб юборади, деган эди донишмандлардан бири. Куни кеча Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши ташаббуси билан Чирчиқ шаҳар кенгашида ўтказилган «давра суҳбати»ни бунга мисол қилиб айтишимиз мумкин.

— Эндиликда вилоятимиздаги барча туман ва шаҳарлар кенгашларининг иш олиб бориш шакли ва услубини янада такомиллаштириш пайти келди, — дейди ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши биринчи котиби Сирожиддин Аъзамов. — Бунинг учун энг аввало жойлардаги бошланғич ячейкаларимиз фаолиятини, аъзоларининг сони ва сифатини юксалтириб бораверишимиз билан амалга оширишимиз лозим.

Шунингдек, «давра суҳбати»да Чирчиқ сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига сайланган Ҳамидулла Назаров, шаҳар кенгаши депутати Кўчарбой Кенжаевларнинг ўтган йил давомидаги фаолияти юзасидан ахбороти тингланди.

«Давра суҳбати»да вилоятдаги барча туман ва шаҳар кенгашларининг котиблари иштирок этди. Қилинажак ишлар, режалар белгилаб олинди.

■ **Маъмуржон ҚИЁМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## ПРЕЗИДЕНТ ҚАДАМИ

### ОРЗУ

Тошкент шаҳрининг буюк шоир Алишер Навоий номли кўчаси бўйлаб ўтаётганимда, бу ерда қисқа давр ичида олиб борилган бунёдкорлик ишларини кўриб кўзларим қувонди.

«Ҳамза» театри биноси ёнига яқинлашганимда, юз бераётган ўзгаришлардан ҳайратландим. Хаёлимни бир ўй ёритди. Юртбошимиз Ислом Каримов 2000 йил 20 декабрь куни Ҳамза номидаги давлат академик драма театрига ташриф буюрган эдилар.

Бу ердаги ижобий ўзгаришлар йўлбошчимизнинг қутлуғ қадамларининг шарофатидандир. Энди бу жойда гуллар очилади. Файз, қут-барака энади.

Президентнинг собит қадами ташланган муборак манзиллар чирой очиб, эзгулик нурлари ила нурафшон бўлғусидир.

Орзу қалб ардоғидаги туйғу. Орзу — бу оддий воқеа эмас. У умидлар мамлакати. Орзунинг ушалиши, орзунинг омон қолиши юракдаги мунис тилакларни уйғотиб юборади.

Юртбошимиз театрга ташрифи давомида асосий эътиборни театрни қайта таъмирлаш, ижодий жамоа учун кўпроқ қулайликлар, томошабинлар ҳордиқ чиқаришига шароит яратиш кераклигига қаратди.

XX аср сўнггида бу муҳим қадам театр санъатини юксалтириш йўлида ташланди.

Ҳалокатлар ичида энг даҳшатлиси — маънавий ҳалокатдир. Унинг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди. Маънавият миллатни ҳар қандай ҳалокатдан сақловчи энг қудратли кучдир.

Биз театрни янада гўзал бўлишини орзу этардик. Президент қадами юксак орзуимизга етказди.

### ФАХР

«Ҳамза» театри узоқ йиллар давомида халқимиз маънавий дунёсини бойитишда улкан хизмат қилиб келмоқда.

Бу театрнинг шуҳрати, қудрати жаҳоннинг энг буюк санъаткорларини ҳам лол қолдирган. Бу даргоҳ тамал тошини қўйган Етим Бобожон, Маннон Уйғурлар номи халқимиз қалб дафтаридан ўрин олган.

Ўзбек театр санъатининг мумтоз ижрочилари Шукур Бурҳонов, Аброр Ҳидоятов, Олим Хўжаев, Наби Раҳимов, Сора Эшонтўраева... Улар томонидан ижро этилган роллар ҳамон барча-барчамизни ҳайратлантиради. Аброр Ҳидоятов Отеллони ижро этганда «совуққон», ҳеч нарсага муносабатини билдирмайдиган инглизлар ҳам қарсак чалиб юборган эканлар. Ҳа, «Ҳамза» театри маданият ва санъатнинг ўчоғи. Унда гуруллаган гулхан қанчалаб кишилар юрагига кўчиб, юзлаб саҳна асарлари яратилди.

Театрнинг бугунги ижодий жамоаси янги тафаккур уфқлари томон интилмоқда. Юқорида номлари зикр этилган улкан санъаткорларимиз бир умр ижод этган бу маскан замонавий талабларга жавоб беролмай қолган эди. Юртбошимизнинг нигоҳидан бирор бир соҳа четда қолмаётганининг ўзи ҳам кишида фахр туйғусини уйғотади.

Театрнинг янги асрда нафақат қиёфаси, балки шуҳрати ҳам қайта тикланишига ишонч уйғонди. Театр жамоаси янги асрга яхши ният билан қадам қўйди.

Қутлуғ қадам келажакдаги оппоқ орзуларимизга етказишига ишонаман.

■ **Фаррух ҲАМРОЕВ**

## ФАРҒОНАГА ФАЙЗ ҚАЙТДИ!

*Фарғонажон, жонажон,*
*Қалбим қўри, онажон,*
*Бугун ҳуснинг ўзгача*
*Яшнаб кетар кўзгача.*
*Аср сўнгги хуш келди,*
*Хушхабарлар қўш келди.*
*Сайрагим бор оқиндай,*
*Номинг яна чақиндай,*
*Водий узра чарақлаб,*
*Кўриняпти яроқлаб!*
*Тўлиб-тошди ғалламиз!*
*Ҳар ону ҳар палламиз*
*Ғалабага уланди,*
*Ватан нурга беланди.*
*Аҳдимизга яраша,*
*Меҳнаткаш қўл, сен — яша!*
*Деҳқонларим йўқ-борим,*
*Лафзи мудом ҳалолим.*
*Юзидан нур томади,*
*Ғайратдандир омади!*
*Муҳаббатдан тикланди*
*Энди унинг қомати!*
*Шоирлар топиб айтди:*
*Фарғонага файз қайтди!*

■ **Йўлдош СУЛАЙМОН**





■ Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Навоий «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли гилам цехида кунига 30 га яқин гиламлар ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказилмоқда. 130 ишчи ишлайдиган цех маҳсулотлари Бельгия ва Туркия гиламларидан асло қолишмайди. Шу сабабли ички бозорларимизда харидоргир. Айнан мустақиллик меваси сифатида ташкил топган гилам цехини янада кенгайтириш режалари ишлаб чиқилмоқда.

**Суратларда:** Моҳир тўқувчи Салима Каримова; маҳсулотлардан намуналар.

ҚАБУЛ СОАТИ

## ҲОКИМ ЭЛИМ ДЕСА

### уни излаб келувчилар кўпаяверади

Боғот тумани ҳокими Оллаберган Оллабергановнинг қабул соати. Қабулхонада етти-саккиз нафар киши ўтирибди. Котиба келганларнинг исмшарифини ёзади, варақа тўлғазади, қисқача тарзда «келиш масаласи» ҳам илова қилинади.

Қабул ўз вақтида бошланди. Ҳоким муовинлари, туман прокурори ҳам шу ерда. Салом-аликдан сўнг ҳоким келувчига мурожаат қилади: «Таклиф, истак-илтимосингизни батафсил айтинг...»

... «Қораянтоқ» қишлоғилик пенсионер Матёқуб Абдуллаев катта йўл устида дўкон очиш ниятида. Шу ерда ошхонаси ишлаб турибди, дўкон очса ҳамқишлоқларига ҳамда йўловчиларга қулайлик туғилади, тағин — уч-тўрт кишини иш билан таъминлаши мумкин.

Ҳоким бу таклифни қўллаб-қувватлайди, керакли ҳужжатларни ҳозирлаш, маблағ масаласи жойнинг ўзидаёқ ҳал қилинади. «Бизга сиздай ишбилармон отахонлар жуда керак!» — дейди ҳоким. Отахон «раҳмат» айтиб чиқиб кетади.

«Қулонқорабоғ»лик Олим Қурбонов эса фермер хўжалиги очиш ниятида эканлигини, ер ажратиб беришга ёрдам кўрсатишни сўраб келибди. «Сиз яшаётган хўжалик ширкат усулида ишлаяпти. Ер майдонлари ширкат аъзоларига маълум муддатга берилган. Биз хўжалик умумий йиғилишида бу масалани кўтарамиз, ширкат аъзолари рози бўлишса, фермер хўжалиги ташкил қилиш тўғрисида ҳоким қарорини чиқазиб бериш мендан!»

Яна бир фермер — воҳанинг Тупроққалъа массивида ишлаётган Саъдулла Жуманиёзов эса амалдаги йилда қарамоғидаги ерларга шоли экиш ниятида экани, шу боисдан даласини шоли экишга ҳозирлашда ёрдам кўрсатишни сўраб келган. «Бу йил сув танқис бўлиши кутилмоқда. Шунинг учун кам сув талаб қиладиган экинлар экишга ҳозирлик кўриш керак, Саъдулла ака!» Фермер ер шароити ҳақида эътироз билдиради. Ҳоким эртага Тупроққалъага бораётгани, бу масалани жойнинг ўзида ер шароити билан танишиб, ҳал қилажагини айтади. Фермер, албатта, даласида кутишини айтиб, хурсанд хонани тарк этади...

«Бешариқ» қишлоғилик Сора опа Машарипова ҳоким қабулига «оилавий дарди»ни кўтариб келган. Ўғли келини билан ажрашгач, тўрт нафар фарзандларини васийликка олган-у, эндиликда ўғил алимент тўламаяпти, болаларни боқиш учун опанинг имкони йўқроқ... Ҳоким опанинг ўғлини шу ишлаётган корхонадан топтириб, шу ердаёқ «она-ўғил можароси»ни ижобий ҳал қилди.

Қабулга турар-жой масаласида келганлар ҳам талайгина. «Хитой» қишлоғилик Б.Маткаримова турар-жойи авария ҳолатига келиб қолганидан арз қилади. Ҳоким ўз муовини К. Матчоновга шу бугуноқ комиссия тузиб, масалани жойнинг ўзида ўрганиш, хулосасини айтишни топширади. Ана шунда бу масалага тўла аниқлик киритиб, қонуний ҳал қилиш мумкин.

Ёки туман марказида яшовчи Р. Жуманиёзов турар-жой масаласида келибди. Ҳақиқатан ҳам сўнгги беш-олти йилда туман марказида яшовчилар учун турар-жой қуришга ер майдони ажратиш масаласи ҳал қилинмай келинган. Ҳозирда бу масала билан шуғулланишмоқда, лойиҳалар ҳозирланяпти, бир қатор чала қолган турар-жойларни битказиш тадбирлари кўрилмоқда. Шу йилнинг ўзидаёқ туман маркази аҳолисини турар-жой билан таъминлаш, янги ер участкалари ажратиш ижобий ҳал қилинади. Ҳоким шу ҳақда аниқ, батафсил маълумот бергач, арзгўйлар енгил тортадилар.

«Хоразм» ширкат хўжалиги аъзоси Гулзода Қутлимуротова эрининг ногиронлиги, бир фарзанди ҳам дардмандлигини, уларни даволатиш учун моддий қийналаётганини айтади. Ҳоким муовини Б.Машарипованинг ахборотича, фуқаро Қутлимуротова ҳақиқатан ҳам оиласидаги хаста кишиларни даволатиш масаласида илгарилари ҳам бир неча марта мурожаат қилган ва унга «Қизил ярим Ой» жамияти ҳамда ҳоким захира фондидан ёрдам кўрсатилган. «Сиз исталган пайти касалхонага беморни ётқизинг, биз бош врачни хабардор қиламиз ва дори-дармон масаласини ҳал этамиз!..»

Жафокаш она ҳоким қабулидан қувониб чиқиб кетади.

Қабулга кирганлар орасида И. Дўсов номидаги ширкат хўжалигидан фуқаролар кўпроқ экан. Аксари моддий ёрдам ёки хўжаликдан иш ҳақини вақтида ололмаётганликлари юзасидан мурожаат қилдилар. Ҳоким мазкур масала бўйича шу ернинг ўзидаёқ тегишли масъул раҳбарларнинг ахборотларини эшитди. Ҳақиқатан ҳам ўтган йилги қолоқлик боисдан хўжаликнинг иқтисодий аҳволи яхши эмас, лекин имкон қадар иш ҳақларини тўлаш давом этмоқда. Бирданига барча кишининг иш ҳақларини тўлаш имкони йўқ.

...Шу куни ҳоким қабулида йигирмага яқин фуқаро бўлди. Уларнинг ҳеч бириси бу ердан норози бўлиб чиқиб кетгани йўқ.

Салкам уч соат давом этган қабулдан олган хулосам: ҳоким ва қабулга келган фуқаролар ўртасида бирор тушунмовчилик — сунъий тўсиқ йўқ. Арзгўйни эшитиш, уни ўртаётган муаммо-масалани ижобий ҳал қилиш — қабулдан кутилган асосий мақсад.

Яна бир гап: Оллоберган Оллоберганов туманга раҳбарлик қилаётганига ярим йил бўлгани йўқ. Ишни замон талаблари асосида ташкил қилиш, иқтисодий ислоҳотлардан кўзланган мақсад аввало фуқаролар манфаати эканлигини ҳар доим ёдда тутиш, туман иқтисодини кўтариш, ижтимоий адолатни қарор топтириш — янги ҳокимнинг кундалик ташвишларига айланган.

Буни ҳоким қабулига келувчилар кайфиятида ҳам кўриш мумкин. Ҳоким элим деса, эл ҳокимни қўллаб-қувватласа, шу ерда ҳар томонлама ривожланиш бўлиши табиий.

■ **Рўзимбой ҲАСАН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

«АВЕСТО»НИНГ 2700 ЙИЛЛИГИГА

# ЕТТИ ИҚЛИМ ҲОМИЙСИ

«Авесто»да аждодларимизнинг эрамиздан олдинги икки минг йилдан зиёд тарихга эга бўлган юзлаб асотирлари, асотирий тимсоллар, тамсиллар, лавҳалар келтирилган. Шулардан бири кейинчалик бутун Шарқу Ғарб мифологиясида чуқур из қолдирган Митра ҳақидаги афсонадир. Гарчи бу образ энг кўҳна замонларда, илк пайдо бўлган пайтларида Қуёш худоси сифатида оламни мунаввар этадиган, еру кўкни Меҳр (қуёш) ёғдуси-ю тафтидан баҳраманд қиладиган бир буюк тимсол бўлган эса-да, аста-секин унинг сиймоси мутлақо бошқача моҳият касб этиб боради — адолат, жасорат, ободлик тимсолига айланади.

Маълумки, қадимги аждодларимиз алоҳида-алоҳида қабилалар сифатида яшаган пайтларда ўрмон заҳираларидан, яйловлар, сув ҳавзаларию тоғ ресурсларидан баҳамжиҳат фойдаланиш хусусида ўзаро шартномалар тузишган; бир-бирларининг отарлари дахлсизлигини таъминлашга келишиб олишган. Замонлар ўтиши билан бақувватроқ қабила ёки қавм камсонли қабилаларни талайдиган, аҳдларини бузадиган, чорва молларини қароқчилар ғорат қиладиган бўлган. Ана шундай бир жаҳолат, вайронагарчилик, ноиттифоқлигу бузғунчиликнинг олдини олиш учун Аҳурамазда Митрани тўрт оқ от қўшилган фойтунда бандалари ҳузурига йўллайди. Улус жасурлардан жасоратлироқ, зийраклардан ҳам хушёрроқ, ҳудудсиз яйловлар соҳиби, ҳамиша дармонбахш, адолатпеша, паймондор, эркакларга пушт, аёлларга фарзанд ҳадя этадиган ана шу Митрани алқовлару дуойи хайр, қурбонликлар билан пешвоз олади, ардоқлайди. Зероки, у бир зарб билан ўн минг, юз минг душманни ҳалок этади: у воиз, ҳақгўй, сўзамол, «ўн минг, кўзли-ю, ўн минг қулоқли Митра абадулабад уйқу билмасдир», у «узоқни дурбиндай кўриб, хушёрликла» кузатиб туради. Митра доим «юз тиғли болта» кўтариб юради. Фойтундаги отлари гоҳ осмонда, гоҳ ер узра учиб, сузиб юради. Уларнинг олд туёқлари олтиндан, орқадагилари эса кумушдан, бошқа анжомлари пўлатдан.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераккки, Митра чинакам жасорат соҳиби. У ер юзининг обод, осойишта бўлишини, чорвадорлару деҳқонлар, ҳунармандлар қароқчилар хуружидан эмин бўлишини таъминлайди: бузғунчию ғоратгарларнинг танобини тортиб қўяди. Унинг сиймосида инсондўстлик, мардлик, ватанпарварлик ғоялари мужассамланган.

**Қулоқлари минг биттадир,**
**Нигоҳлари минг биттадир,**
**Ва девларнинг калласига,**
**Салодир чўнг чўқмор билан.**
**Мамлакатни бузади палид,**
**Ҳам лафсиз тубан каззоблар.**
**Амр этилган аҳдга содиқ бўл,**
**Спитама унутма зинҳор.**
**Ғайридин, баттолларга ҳам,**
**Садоқатли яхшиларга ҳам,**
**Вафо, қавл баб-баровардир.**

Бундан ташқари мифда Митра ҳалоллик, хушхулқлик, поклик, содиқлик, ростгўйлик, хушсийратлик, яхшилик, сахийлик, поктийнатлик, собит эътиқодлик тимсоли, ҳимоятгари сифатида гавдаланади. У аҳдсизлар, жодугарлар, девларга қарши курашади. Зероки, уларнинг дуоси мустажоб бўлмайди. Қурбонликлари инобатга олинмайди; улар ўлимга маҳкум этилгандирлар:

**Келтирмасин қурбонлик зинҳор,**
**На мунофиқ, на аблаҳ, бузғунч.**
**На ҳиссиз, на имонсиз расво,**
**На Ҳотларни куйламовчилар,**
**Аҳуро ва Зардушт динининг**
**Душманлари, мухолифлари.**

Асарда касб-ҳунар эгаллаш, ақл-заковат тарғиби, донишмандлигу покизалик, юксак ахлоқ алқови Митранинг «ўнг томони узра мудом учиб юрадиган», «оппоқ хилъат кийган», «олий эътиқод тимсоли» доим сарбаланд Рашну сиймосида мужассамланган.

«Авесто»даги кўп мифологик образларда халқ қаҳрамонлигининг ранг-баранг жиҳатлари мужассамланган. Шу билан бирга алоҳида жасорат ва ғалаба-зафар тангриси Вертрагна ҳам мавжуд. Қизиғи шундаки, ана шу илоҳ Митра ҳақидаги мифда асосий сиймо билан ҳамиша ҳамроҳ, унинг кўмакчиси, ёрдамчиси, аниқроғи бир лашкарбошиси сифатида намоён бўлади, ҳаракат қилади. Маълумки, Шарқ халқлари эртакларида, кейинчалик ишқий-саргузашт достонларда, жангнома қиссаларда темиртирноқ одам, яъни ўтда куймас, сувда чўкмас, тиғ ўтмас қаҳрамон образи яратилган. Афтидан, унинг илдизи қадимги аждодларимизнинг асотирларига бориб тақалади. Чунки, Вертрагна «Авесто»да «чўян одам» сифатида тавсиф этилган ва у «Митра» қасидаси»да (авестошунослар Митра ҳақидаги мифни «қасида» деб ҳам юритадилар) қуйидагича гавдаланади:

**Биз Митрага топинамиз,**
**Мутлақ илоҳ Маздо яратган.**

Вертрагна елиб боради унинг олдида.

**Ҳамроҳидир дарғазаб қабон,**
**Қаҳрлидир, ханжар тишлидир.**
**Бир ҳамлада ёриб ташлайди,**
**Ўткир қозиқ тишлари билан.**
**Қутургандир ва енгиб бўлмас.**
**Олачипор тумшуқли ва сержаҳл.**
**Орқа-олдин оёқлари темирдан**
**Темирдандир дум ва жағи,**
**Томирлари бари темирдан.**
*(Асқар Маҳкам таржимаси).*

Демак, Вертрагна сиймосида қадимги аждодларимизнинг эл-юртнинг пушту паноҳи, енгилмас идеал қаҳрамони ҳақидаги орзу-умидлари мужассамланган.

Машҳур шарқшунос, «Авесто» таржимонларидан бири, профессор И.С. Брагинский Митрада адолатли, яхшилик тарафдори, мамлакат бутунлигини таъминлайдиган бошлиқ — ҳоким ғояси ҳам тараннум этилганлигини алоҳида таъкидлаган. Ҳақиқатда ҳам 5-8-бандларда Митра юрт осойишталиги, қавмлар ҳамжиҳатлигини барқарор этиб, Ахурамазда бандаларига «девору эшиклари мустаҳкам» уй-жой, сурув тўла қўра-қўрғон, ўғиллар қаҳқаҳаси билан тўлган оила инъом этадиган: уни «душмандан», «қароқчи, ғоратгар, жодугар сеҳргарлардан ҳимоя қиладиган» бир ҳукмрон сифатида таъриф-тавсиф этилади. У «аҳдида турмовчиларга қирон келтиради», «одамларни ҳалок этиб, йўлдан оздирадиган сеҳргарларни маҳв этиб», бу юртни гуллаб-яшнатади, рост қавл одамлар мамлакатини зафарлар сари, энг юксак тараққиёт чўққисига элтади. Шунинг учун ҳар қандай шароитда ҳам «кулбамизни, ҳовлимизни, қавмимизни, халқимизни, Ватанимизни ташлаб кетмаймиз! Митра ҳомийлигида бутун ўлкамизни ғанимлар ғоратидан метиндай ирода билан асрагаймиз», дейилади бандлардан бирида. Шунинг учун у кишиларга «куч ва зафар, фаровон ҳаёт, адолатли тартиб, шараф, поклик, илм, чин амал, маърифат бахшида» этади. Унинг қудрати олдида «ичи қора, бедин одамлар, девлару жодугарлар, сеҳргару карапанлар, қароқчилару ковиёнлар ҳамиша забун», уларни шердиллик билан енгиб, юртни донишмандлигу адолат билан нигоҳбонлик қилади.

Ўн бешинчи бандда Митранинг ғанимлар устидан ҳамиша зафар қучиши таърифланиб, унга алқовлар айтилар экан, «сен уларнинг қўлидан қувватини, оёғидан қоиимликни, кўзидан нурни, қулоғидан эшитиш қобилиятини оласан.. тиғини ўтмас, ўқини нишонга тегмас қилиб қўйиш қудратига эгасан», деб унга топинишга даъват этилади. Характерлиси шундаки, худди ана шундай бандлардан бирида Митра бутун оламни кузатиб туради, ер юзи унинг тасарруфида деб курраи замин Арзахи — Шарқ, Савахи — Ғарб, Фрадафшу — Шимолий Шарқ, Видадафту — Шимолий Ғарб, Ворубарзиштий — Жанубий Шарқ, Ворудзарзишти — Жанубий Ғарб ҳамда Хванирата — Марказий ер сингари етти иқлимга бўлиб кўрсатилади. Шундан сўнг осмоний «тангри Митра ана шу кишвар устида учиб юриб, уларга бахт улашади, юртларнинг ривожи, мустаҳкамлигини таъминлайди», дейилади. Юқоридаги далиллар ҳамда турли бандларда Сўғд, Марв, Нисо, Хоразм, Ишкат, Парут, Харайва, Гава (Суғдиёнадаги шаҳар), Хароз (Элбурз тоғининг бир чўққиси), Харати, Хукар (Помир тизма тоғлари), Ранхи сингари дарёлар, тоғлар, жой номларининг турли муносабатлар билан тилга олиниши қасиданинг қадимги дунё географиясини ўрганишда ҳам муҳим манба ҳисобланишини кўрсатади. Бундан ташқари ҳар хил муносабатлар билан ўнлаб ҳарбий қуроллар, ашёлар, қурилиш материаллари, уй-рўзғор буюмлари, анжомлар, ўсимлик, ҳайвонларнинг турлари ҳам эслатилади: ҳарбий тактика ва стратегия, жанг усуллари зикр қилинади, қадимги аждодларимизнинг баъзи бир удумлари эслатиб ўтилади: илоҳий қудратга молик, муқаддас шарбат ҳум, зардуштий уламолар ушлаб юрадиган, руҳий касалликларни дуо билан даволаш жараёнида ишлатиладиган ўзидан ёқимли ҳид чиқарадиган майда хивичлар дастаси — барсумларнинг таърифи берилади. Ҳарбий истеҳком, анжом ҳамда қуроллар номларининг ўзи жуда катта тарихий, этнографик ҳамда топонимик моҳиятга моликдир. Унда палахмон, болта, гурзи, ўқ-ёй, пичоқ, найза, бир неча тиғли ханжар, камон ва каманд кўп тилга олинади.

Хуллас, қасиданинг бошидан охиригача ривожланиш таназзул устидан, юксак амал динсизлик устидан, ободлик вайронагарчилик устидан, юрт барқарорлиги газандалигу бузғунчилик устидан зафар қучади: аҳдсизлару қароқчилар, босқинчилару бузғунчилар, жодугарлару сеҳргарлар билан бўлган якка-ма-якка олишувларда ҳам, жангларда ҳам Митра адолатпешаю ватанпарвар, содиқамаду элсеварларга ғалаба келтираверади. У ана шу қудрати, файзи, илоҳий мадади билан барча замонлар аҳли тамизига руҳ бахш этаверади, порлоқ келажак сари ундайверади.

■ **Ҳамиджон ҲОМИДИЙ**

ЁНҒИНДАН САҚЛАНИНГ

# ОЛОВ — ТИЛСИЗ ЁВ

Халқда ҳикматли гап бор: «Ўт балоси, сув балоси, туҳмат балосидан асрасин». Дарҳақиқат, ўт балоси одамзот бошига не кўргуликларни солмайди. Лекин уни табиий офат, деб бўлмайди. Ўтган йили Миробод туманида 141 та ёнғин содир бўлди. Ёнғинларда 4 киши ҳалок бўлиб, 6 киши турли даражадаги куйиш тан жароҳати олган.

Содир бўлган ёнғинларни таҳлил қилар эканмиз, у ўз-ўзидан эмас, балки одамларнинг айби билан содир бўлмоқда. Ёнғинларнинг асосий сабаблари оловга эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиш, маст ҳолда сигарета чекиш, носоз ҳолдаги электр анжомларидан фойдаланиш, қаровсиз қолган болаларнинг олов билан ўйнашлари, чиқинди ва хазонларни ёқиш, газ ва электр анжомларидан фойдаланилганда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмасликдир.

2000 йилнинг 26 декабрь куни Д. Кунаев кўчаси, 29-уйда ёнғин содир бўлган. Ёнғин натижасида хонадон эгасининг пешона тери билан топилган мол-мулки ёниб кетди. Суриштирув ишлари олиб борилиб аниқландики, шу хонадондаги кичик ёшдаги болалар қаровсиз қолдирилганлиги туфайли олов билан ўйнашлари оқибатида фалокат келиб чиққан. Оқибатда икки нафар норасида бола ҳаётдан кўз юмди.

Ҳозирги кунда шаҳримизда Хитойда ишлаб чиқарилаётган пиротехника воситаларидан ёш болаларнинг ўйнашлари туфайли шикастланишлари кўплаб кузатилмоқда. Бунинг натижасида болаларнинг тан жароҳати куймоқда ҳамда кўз аъзолари шикастланмоқда. Бундай нохушликлар кўпроқ мактаб ёшидаги болалар орасида учрамоқда. Чунки болалар ота-оналари томонидан назоратсиз қолмоқдалар. Нохушликлар эса асосан уйда содир бўлмоқда.

Бундай кўнгилсизликларга кўпинча ота-оналарнинг ўзлари сабабчидир. Баъзан болаларга берилган пулларни нималарга ишлатганлари ва нималар харид қилганликларига бефарқ қараймиз. Уларнинг кўнглига қараб турли хил ўқ отувчи милтиқ ва пистолетлар, пиротехника воситалари сотиб олиб бериш ўз фарзандингиз ва ўзганинг боласи соғлигини, ҳаётини хавф остига қўйишини унутманг. Кимёвий моддалар, бензин, гугуртларни ёш болалардан эҳтиёт қилиш зарур. Болаларни уйда ёлғиз қолдирманг, электр-газ асбобларини ёқиш ва тўғри фойдаланишни ўз вақтида уқтириб боринг.

Зеро, олов — тилсиз ёв. У инсон бошига наинки моддий, балки мудҳиш кулфат, маънавий зарар келтиришини бир сония ҳам унутманг.

■ **Дилмурод НОРСИДИҚОВ,**
**Тошкент шаҳар 3-ҲЁСБ назоратчиси.**

XORIJDA

## ЧЕГАРА МОЖАРОЛАРИ

*Югославия билан Македония ҳукумат вакилларининг икки мамлакат ўртасидаги чегараларни белгилаш масаласидаги навбатдаги учрашуви бошланди. Томонлар бу борадаги муаммони ҳал қилиш учун шу кунгача ўн бир маротаба ўзаро учрашган эса-да, умумий чегараларнинг саккиз фоиз қисми бўйича келишувга эришган, холос. Бу икки давлат ўртасида чегараларнинг умумий узунлиги 330 километрни ташкил этади.*

## САФАР ЯКУНЛАНДИ

Югославия Президенти Воислав Коштуницанинг Грецияга сафари якунланди. У Афинада Президент Константинос Стефанопулос ва бошқа расмий кишилар билан музокаралар ўтказди. Учрашувларда икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий-сиёсий алоқаларни кенгайтириш ҳамда Болқон минтақасида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, томонлар Косоводаги урушда НАТОнинг бойитилмаган уранли ўқ-доридан фойдалангани муаммоси бўйича ҳам фикр алмашди.

## БИТИМ ШАРТЛАРИ АМАЛДА

Эритрея ва Эфиопия ўртасида ўтган йилнинг декабрь ойида имзоланган тинчлик битими муваффақият билан ижро этилмоқда. Эритрея ташқи ишлар вазирлиги вакили шуни маълум қилди. Унинг айтишича, айни пайтда БМТ тинчликпарвар кучларининг икки мамлакат чегара ҳудудларига жойлаштирилиши давом этмоқда. Халқаро қизил хоч қўмитаси эса ҳарбий асирларни айирбошлаш борасида кўплаб тадбирлар ўтказмоқда.

## КЕСКИН КАМАЙМОҚДА

*Ироқ ҳукумати билан БМТ ўртасида нефть масаласида юзага келган зиддиятлар мамлакатда «қора олтин» қазиб чиқаришнинг кескин камайишига олиб келди. Хабарларга қараганда, Ироқда ўтган йилнинг октябрь ва ноябрь ойларида кунига 2,7 миллион баррел нефть қазиб олинган бўлса, ҳозирга келиб бу кўрсаткич 1,2 миллион баррелга тушиб қолган.*

## ЗИЛЗИЛА ОҚИБАТЛАРИ

Салвадорда юз берган кучли ер силкиниши оқибатида қурбон бўлганлар сони етти юз кишига етди. Мамлакат фавқулодда вазиятлар миллий қўмитаси маълумотига қараганда, қурбонлар сони янада ошиши мумкин. Чунки шу вақтгача мингга яқин одам бедарак йўқолган, деб ҳисобланмоқда. Табиий офатнинг мамлакат иқтисодиётига келтирган зарари бир миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди.

## ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Хитой ҳукумати Фаластинга инсонпарварлик ёрдами жўнатишга қарор қилди. Ҳукумат вакилининг маълум қилишича, бу ёрдам умумий қиймати уч миллион юанга тенг бўлган иссиқ кийим ва чодирлардан иборатдир. Хитой илгари ҳам Фаластинга 50 минг АҚШ долларилик мурувват ёрдами жўнатган эди.

## ЯНГИ ҲАМЖАМИЯТ

Танзания, Кения ҳамда Уганда Президентлари Шарқий Африка ҳамжамиятига асос солинганини расман эълон қилди. Тузилмани ташкил қилишдан мақсад Шарқий Африка давлатлари ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш ҳамда минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашдир, деб таъкидланган ушбу мамлакатларнинг қўшма баёнотида.

Ҳозирча Ҳамжамиятга Танзания, Кения ҳамда Уганда аъзо бўлди. Руанда ва Бурунди эса уюшмага кириш ниятида эканини билдирди.

## КАМАЙТИРИЛИШНИ СЎРАМОҚДА

*Греция мудофаа вазири Акис Цохадзопулос мамлакатнинг Косоводаги халқаро тинчликпарвар кучлар сафидаги ҳарбийлари сони қисқаришини маълум қилди. Ҳарбийларнинг кўпчилиги вазирликдан хизмат муддатини камайтиришни талаб қилаётир, деди вазир. Ҳозир Косовода грециялик 1481 нафар ҳарбий бор.*

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН



# САФАР САБОҚЛАРИ

**Яқинда қатор университет ҳамда институтларнинг ректор ва проректорлари республика «Устоз» жамғармаси билан Жанубий Корея Республикасининг Хосео университети ўртасида имзоланган шартномага асосан ушбу мамлакатда малака ошириб қайтдилар.**

**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети проректори Рашид Ҳакимовдан сафар таассуротлари ҳақида сўзлаб беришни сўрадик.**

— Жанубий Кореянинг мен кўрган қисми асосан унча баланд бўлмаган тоғликлардан иборат. Уйлар, завод ва фабрикалар, университетлар ана шу тоғларнинг ён бағрига, қисман устига қурилган. Чунки, текис ерларда деҳқончилик қилинади. Ерни бунчалик авайлаб-асраш, имконибори қишлоқ хўжалик ерларини имморат-иншоотлар ва объектлар қуриш учун ишлатмаслик ўрганишга арзийдиган сабоқ. Деҳқончилик маданияти юқори эканлиги сабзавотчилик экинлари ҳолатидан яққол кўриниб туради. Мамлакатнинг юқори даражада саноатлашганлиги ва аҳоли сонининг кўплиги, ернинг хусусий мулк сифатида қиммат туриши қишлоқ ҳаётига ўз таъсирини кўрсатган. Чунки, қишлоқ жойларида ҳам кўп қаватли уйлар қурилган. Бутун мамлакат электр симлари билан қопланган. Шаҳар ва қишлоқни электр энергияси билан бир текисда таъминланганлиги саноат корхоналарини қишлоқларда ҳам қуриш имконини берган.



ЖАНУБИЙ КОРЕЯДАГИ ҚАДИМИЙ ИБОДАТХОНА

Электр энергиясидан фойдаланишда бир ҳолат эътиборимни тортди. Ҳар бир хонадоннинг эшик калитига тўртбурчакли ускуна ўрнатилган, деворга эса кичгина аппарат жойлаштирилган. Ана шу аппаратга калитдаги ускунани жойлаштирмагунча хоналардаги электр чироқ ва асбоблари (электр музлатгич бундан мустасно) ишламайди. Уйдан чиқилгандан кейин бир дақиқада хонадаги барча электр асбоблари ва чироқлар ўчади. Бу ҳам электр энергиясини тежайди, ҳам ёнғиндан сақлайди.

Жанубий Корея Республикаси тизимида «Жамият учун дарс» деган тушунча бор. Бу дарснинг моҳияти шундаки, бир йилда ҳар бир илм олувчи энг камида 40 соат жамият учун текинга ишлаб бериш керак. Ишлаганда ҳам болалар боғчаларида, шифохоналарда, қариялар уйида турли ишларни бажариши лозим. Ишлаган жойидан маълумотнома берилади. Уни ўқиш жойига топширганидан кейингина курсдан курсга ўтказилади.

Жанубий Кореяда ҳамма нарса инсонни ўз устида ишлашга, ўз рақобатбардошлигини оширишга мажбур қилишга қаратилган. Талабаларнинг билим олишида ҳам бу муҳит турлича. Масалан, Хосео университетида талабаларга турли миқдордаги стипендия берилади. Энг юқори стипендия фақатгина 30 фоизгача талабаларга, ўрта миқдордаги стипендия 40 фоиз талабаларгагина берилар экан. Бунда фақатгина ҳамма фанларни чуқур ўзлаштириш эмас, балки уларнинг инсоний сифатлари, жамият учун қилаётган хизматлари ҳам ҳисобга олинади. Бу борада биз фуқаро сифатида анча ўсишимиз керак. Бир ҳолат ёдимга тушди. 1994 йилда АҚШда малака оширишда бўлганимда бир оилада яшашга тўғри келди. Уй эгаси Жек амаки 73 ёшда. Бир умр ҳарбий бўлган. У ҳар куни кечаси черковга кетар эди. У кишининг рафиқаси Мери холадан бу тўғрида сўраганимизда черковда иш бўлса ишлайди, иш бўлмаса хорда қўшиқ айтиб қайтади, деб жавоб берди. Биз ҳам черковга бордик. Черков бир неча кичик заводчаларга эга бўлиб, бу заводларда турли консервалар, ун ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрланар экан. Яқин атрофда яшовчи кишилар телефон орқали ўзларининг бўш вақтларида шу заводчаларда ишлаш хоҳишини билдиришади. Америкаликлар бўш вақтда уйда ётгандан кўра шу заводчаларда ишлашни тўғри деб ҳисоблашади. Асосийси, ўз хоҳишига кўра текинга ишлашади. Улар чиқараётган маҳсулотларини қайсидир иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган оилалар эҳтиёжи учун сарфланишини билишади ва худо олдидаги инсоний вазифасини бажараётганидан таскин топади.



ИНДОНЕЗИЯ МАРКАЗИЙ БАНКИ

■ **Суҳбатни Аъзам ХЎЖАҚУЛОВ ёзиб олди.**

# ҲАМЁННИ ҚАЕРДА ЙЎҚОТИШ КЕРАК?

*Ҳаётингизда ҳеч ҳамёнингизни йўқотганмисиз? Ёки пул тўла ҳамённи топиб олганмисиз?*

*Яқинда хорижий газетада қизиқ бир мақолага кўзим тушди. Билишимча, ҳамённи йўқотишнинг ҳам ўрни бор экан.*

*Хорижда тажриба, тадқиқотнинг ўзи кўп. «Ридер — дайжест» журнали шундай тажриба — «ўғрининг виждонини синаб» кўрди.*

*Янги Зеландиянинг пойтахти Веллингтон шаҳрида «ўғриларнинг виждонини синаш» тажрибаси ўтказилди. Ўғрилар дейиш сал ноўринроқдир, «топиб олувчи»нинг деганимиз тўғри бўлса керак. Тасаввур қилинг, йўлда кетаётибсиз, оёқ остида пул тўла ҳамён топдингиз. Нима қиласиз? Веллингтонликларнинг «ўғримитўғри»лигини синаш учун 10 та ҳамённи ташлаб қўйишди. Қарангки, маълум вақт ўтгач, 10 та ҳамённинг ҳаммасини топганлар полицияга олиб келиб топширишди.*

*Қизиғи, бу «синаш» дунёнинг бошқа яна 110 та шаҳарларида ҳам ўтказилди. Ҳамёнларга 50 доллардан кам бўлмаган миқдорда пул жойланди-да, шаҳарларнинг кам қатновроқ кўчаларига ташланди. Ҳатто «бутун бир ҳазина»га тенг миқдордаги ҳамёнлар ҳам тажриба учун қўлланилди. Австралиянинг Сидней шаҳрида 10 тадан 9 таси, Филиппиннинг Манила ва Италиянинг Милан шаҳарларида эса 4 тадан ҳамён «қайтарилган», холос.*

*Синов — синов-да. Бизнинг шаҳарларда бу ҳамёнлар балки жойидан ҳам жилмас.*

■ **Саида САЙХУН тайёрлади**

Қува туман Матлубот савдо акциядорлик бирлашмаси жамоаси бирлашма бошқаруви раиси, Олий Мажлис депутати Миродил Ҳайдаровга отаси

**Махаматжон ҳожи ота ҲАЙДАРОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

